



## THE HISTORY OF THE FORMATION OF THE DEFENSE CAPABILITY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AND ITS LEGAL BASIS

**G. A. Abduganieva**

*Researcher*

*History of History of the Academy of Sciences of Uzbekistan  
Tashkent, Uzbekistan*

*E-mail: [Abdumaniyevagulano6@gmail.com](mailto:Abdumaniyevagulano6@gmail.com)*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** Turkestan Military District, Defense Doctrine, National Guard, Defense Industry, Airborne Troops, Military Transport Aviation, Reconnaissance Troops, Supply Units.

**Received:** 20.11.23

**Accepted:** 22.12.23

**Published:** 24.12.23

**Abstract:** In this research, Uzbekistan is on the verge of independence. The situation that arose in the issue of the establishment of the defense system of the Republic and the formation of its legal bases, as well as the work carried out in this regard, were discussed.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ҚОБИЛИЯТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

**Г. А. Абдуганиева**

*Тадқиқотчи*

*ЎзФА Тарих институти*

*Тошкент, Ўзбекистон*

*E-mail: [abduganiyevagulirano6@gmail.com](mailto:abduganiyevagulirano6@gmail.com)*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Туркистон ҳарбий округи, Мудофаа доктринаси, Миллий гвардия, Мудофаа саноати, ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари.

**Аннотация:** ушбу тадқиқот ишида мустақиллик арафасида Ўзбекистон Республикаси мудофаа тизимининг ташкил топиши ва ҳуқуқий асосларининг шаклланиши масаласида юзага келган вазият ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар хақида фикр юритилган.

## ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ОБОРОНОСПОСОБНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И ЕЕ ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ

**Г. А. Абдуганиева**

*Исследователь*

*История истории академии наук Узбекистана*

*Ташкент, Узбекистан*

*E-mail: [abdumaniyevagulanob@gmail.com](mailto:abdumaniyevagulanob@gmail.com)*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** Туркестанский военный округ, Оборонная доктрина, Национальная гвардия, ОПК, Воздушно-десантные войска, Военно-транспортная авиация, Разведывательные войска, Части снабжения.

**Аннотация:** в данном исследовании Узбекистан находится на пороге независимости. Обсуждена ситуация, сложившаяся в вопросе становления оборонной системы республики и формирования ее правовых основ, а также работа, проводимая в этом направлении.

### КИРИШ

Ҳозирги кунда қўпгина ривожланган мамлакатлар Қуролли Кучларида жанговар тайёргарлик тизимини такомиллаштириш борасида етарлича тажриба мавжуд. XX асрнинг охиrlарида содир бўлган тарихий воқеалар натижасида мустақил давлатлар вужудга келди ҳамда уларда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш ва уни мустаҳкамлаш жараёнига киришилди. Мазкур жараён миллий давлатчиликнинг сиёсий, ҳарбий ва ғоявий йўналишини тубдан ўзгаришига олиб келди. Шу жиҳатдан бу борада ривожланган мамлакатлар босиб ўтган йўл ва унинг тарихий тажрибасини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августа бўлиб ўтган навбатдан ташқари ўн иккинчи сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида"ти баёнотда "Давлат мустақиллигини, худудий яхлитлигини, фуқароларнинг конституциявий ҳукуки ва эркинлигини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги ва Миллий гвардия тузилди. "Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида"ти Президент Фармонининг 1991 йил 6 сентябрда қабул қилиниши ва 10 сентябрида Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазири тайинланиши бу йўлдаги биринчи амалий қадам бўлди. Айни вақтда тайинланган Мудофаа ишлари бўйича вазири Р.У. Ахмедов мамлакатда ташкил этилаётган Миллий гвардиянинг\* қўмандони этиб белгиланди. В.Ф.Пилюгин штаб бошлиғи ва айни вақтда у Мудофаа ишлари бўйича вазирнинг биринчи ўринbosари эди. Тошкент гарнizonинг бошлиғи этиб Р.Э.Хадирбоев тайинланди ва у Мудофаа ишлари бўйича вазир ўринbosари ҳисобланган. "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида"ти

Қонунда хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди, унинг 6-моддасида "Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, Миллий гвардия ва ноҳарбий (муқобил) хизматни ташкил этиш хуқуқига эга", деб мустаҳкамланди. Бу ёш республика учун ўз ҳарбий сиёсатини белгилаш ва амалга оширишнинг хуқуқий асосини яратди, Куролли Кучларини тузишга асос бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги қарорига биноан, Мудофаа ишлари вазирлигининг ҳуқуқий мақоми, тузилиши ва низомлари тасдиқланди. Туркистон ҳарбий округи бошқарув органлари негизида Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармалари тузилди. Вазирлик маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари, фуқаролар мудофааси штаби ва армия сафидан ташқаридағи хизматнинг маҳсус бошқармаси негизида ташкил қилинди. Кейинчалик Туркистон ҳарбий округининг бошқарув органлари негизида Мудофаа ишлари вазирлиги Бош штаби ва бошқармаси ҳамда уларнинг жойлардаги қўйи бўлинмалари тузилган бўлиб, улардан мамлакат мудофаасини таъминлаш борасиша ишларни амалга ошириш талаб этилди.

Мудофаа ишлари вазирлиги зиммасига ҳарбий сафарбарлик тадбирлари, Миллий гвардияни тузиш ва таълим бериш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, ҳарбий билим юртларини бутлаш, олий ўқув юртларидағи ҳарбий кафедралар ва кучайтирилган ҳарбий тайёргарлик мактабларини бошқариш, муқобил хизматни ташкил қилиш, уруш қатнашчилари ва байналмилал жангчилар билан ишлаш, ҳарбий хизматга чакириш, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий объектларни янги жойга кўчириб жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, аҳолини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш вазифалари юклатилди. Бу вазифаларни белгиланиши ўзбекистон Куролли Кучларининг шаклланишида янги тизим яратилишига туртки бергани шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 18 майдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво десанти қўшинлари, ҳарбий транспорт авиацияси, разведка қўшинлари, таъминот қисмлари ҳақида"ги, 1992 йил 12 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳаво ҳужумига қарши ҳарбий қисмлар ҳақида"ги, 1992 йил 13 ноябрядаги "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган кимёвий ҳарбий қисмлар ҳақида"ги Фармонлари билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган мазкур турлардаги қўшинлар республики тасарруфига олинди ва сифат жиҳатидан такомиллаштирилди". Мудофаа вазирлиги тасарруфида қуруқликдаги қўшинлар, ҳарбий ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари, ҳарбий ҳаво кучлари, маҳсус ва муҳандислик-қурувчилик қўшинлари, Миллий гвардия ташкил этилди. Айни вақтда ҳар бир қўшин турининг аниқ вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари фаолиятининг ҳуқуқий негизини яратиш мақсадида XII чақириқ Олий Кенгашининг 1992 йил 3 июлдаги X сессиясида Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Муқобил хизмат тўғрисида"ги қонунлари қабул қилинди. Мазкур қонунлар асосида мамлакат мудофаасини ташкил этиш, фуқаролар ҳарбий хизматни ўташларининг ҳуқуқий асослари яратилди. "Мудофаа тўғрисида"ги Қонунга биноан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари бўйича вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди. Шу қонуннинг 2-моддасига биноан мудофаа деганда Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий-ҳуқуқий, ахборот, ташкилий ва бошқа тадбирлари мажмуи тушунилиши белиглаб кўйилди.

Мазкур сессияда Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафига киришда ҳарбий хизматчилар томонидан қабул қилинадиган Ҳарбий қасамёднинг матни ва қасамёд қилдириш тартиби тасдиқланди. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳарбий қасамёд жангчиларнинг ахлоқий-руҳий, маънавий ва жанговар кодексига айланди. Мазкур ҳужжатларнинг қабул килиниши мамлакат Қуролли Кучлари фаолиятининг ишончли ҳуқуқий негизини яратди, мудофаа асослари ва мақсадларини ҳамда мустақил давлат армияси курилиши тамойилларини белгилади.

1993 йил 22 ноябрда «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари ҳарбий қисмининг жанговар байроғи тўғрисида»ги Президент фармони имзоланиб, Қуролли кучлар жанговар байроғининг ягона намунаси белгиланди. Олий Кенгашнинг 1993 йил 29 декабрдаги «Ватан ҳимоячилари қунини белгилаш тўғрисида»ги қонунига биноан, 14 январь Ватан ҳимоячилари қуни деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ҳам малакали кадрлар билан таъминлашни йўлга қўйиш мақсадида, Қуролли Кучлар Олий Бош Кумондони ташаббуси билан янги ҳарбий ўкув муассасалари ташкил этилиб, уларда тайёрланадиган мутахассисларни кўпайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бу йўналишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 12 февралдаги Фармонига асосан Тошкент электротехника ва аюла институтининг маҳсус факультети, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 15 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академияси, 1994 йил 18 марта Жиззах авиаация олий ҳарбий билим юрти ташкил этилди.

1995 йил августда қабул килинган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги сиёсатини белгилаб берди. Минтақадаги ҳарбий сиёсий

вазиятдан келиб чиққан ҳодда 2000 йил 3 февраль куни Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг асослари тўғрисида"ти Қонунда мудофаа тизимини вужудга келтиришда мамлакат ҳарбий сиёсатининг белгиланиши, 1996 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бешинчи сессиясида маъқулланган "Миллий хавфсизлик тўғрисида"ти Қонун, 1997 йил август ойида Олий Мажлис IX сессиясида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси" алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини кўриқлаш масалалари бўйича маҳсус комиссия тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини барпо этишнинг ташкилий даври якунлангач, олдиндаги вазифа уни замон талаблари асосида ислоҳ қилишдан иборат бўлди. Бунда аввало қўшинлар қўлланишнинг стратегик ва тактик жиҳатидан келиб чиқиб, Қуролли Кучлар тузилиши асоси Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қила оладиган қўшинлар ва маҳсус қўшинларни тузишга қаратилди. Булар: қуруқлиқдаги қўшинлар; ҳарбий ҳаво кучлари ва ҳарбий ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари; маҳсус ва муҳандислик қурувчилик қўшинлари; Ички ишлар вазирлигининг ички ва қоровул қўшинлари; Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбийлаштирилган қисмлари ва чегара қўшинлари.

Уруш холатида Ўзбекистон Қуролли Кучлари ўз вазифаларини Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргалиқда амалга оширади. Уларнинг биргалиқдаги ҳаракатини мувофиқпаштириш учун 2000 йилда Мудофаа Вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Бирлашган Штаби тузилди.

Ўзбекистон Республикаси мудофаасини ташкил этиш максадида Ички ишлар вазирлигининг маҳсус қисм ва бўлинмалари қайта ташкил қилинди. Мазкур қўшинларга мамлакат ички тинчлиги, хавфсизлигини таъминлаш, муҳим давлат обьектлари, ахлоқ тузатиш колонияларини кўриқлаш, маҳсус юкларни кузатиб бориш, жиноий жавобгарликка тортилган шахсларга суд жараёнларида соқчилик килиш, маҳсус ҳарбий операцияларда қатнашиш, террорчиларга қарши кураш каби вазифалар юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 26 января "Профессионал ҳарбий хизматчиларни тайёрлашга ихтисослаштирилган сержантлар тайёрлаш мактабларига асос солиш ҳақида"ти Фармони асосида Марказий ва Тошкент ҳарбий округларида, 2001 йили Шаркий ва Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округларида, 2007 йилда Шимоли-ғарбий ҳарбий округида сержантлар тайёрлаш мактаблари ташкил этилди. Бу мактабларда Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, чегара қўшинлари учун мутахассилар тайёрлаш йўлга қўйилди,

замонавий услублар асосида моделлаштириш жараёнларини ўз ичига олган янги таълим усуллари жорий этилди.

Мудофаага ва Қуролли кучларга раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли кучлар Олий бош қўмондони амалга оширади. Уруш даврида мудофаа вазири бир пайтнинг ўзида Қуролли кучлар Олий бош қўмондони ўринбосари хисобланади. Қуролли кучларнинг кундалик фаолиятига раҳбарликни ўз бўйсунувида кучларнинг таркибиға кирадиган ҳарбий тузилмалари бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг раҳбарлари амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Қуролли Кучлар хуқуқий мавқеи узилкесил ва энг юксак даражада мустаҳкамланди. Унинг 125-моддасида: "Ўзбекистон Республики Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикининг давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади", деб белгиланиши давлат Қуролли Кучларининг асл мақсад вазифаларини дунё ҳамжамияти олдида яна бир бор намоён этди. Конституция асосида Ватан ҳимояси мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун муқаддас ва шарафли бурч экани белгиланиб, 52-моддада мустаҳкамлаб қўйилди. Унга асосан, "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республики ҳар бир фуқаросининг бурчидир". Ушбу модда Ўзбекистон Республики "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 1-моддаси билан мустаҳкамланди. Мазкур моддада "Ўзбекистон Республикасини ташқаридан бўладиган қуролли тажовуздан ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси фуқаролари конститутивий бурчи", деб қўрстилди. Ушбу конституциявий бурчни адо этиш Ўзбекистон Республикасининг "Мудофаа тўғрисида"ги Қонуни билан мустаҳкамланди. Ўзбекистон Қуролли Кучлари фуқароларнинг умумий ҳарбий мажбуриятлари асосида ҳарбий хизматга чақириш ҳамда фуқароларнинг шартномага асосан ҳарбий хизматни ўташи белгиланди. Интизом, Гарнizon коровуллик хизматлари низомлари тасдиқланди.

Умумий ҳарбий мажбурият фуқароларнинг Ўзбекистонни ҳимоя қилишга мажбурий ҳарбий тайёргарлигидан иборат бўлади ҳамда республика Қуролли кучлари сафини тўлдиришни ва уларнинг резервини тайёрлашни таъминлаш мақсадида жорий этилади.

Умумий ҳарбий мажбурият:

- фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлаш;
- ҳарбий хизматга чақириш (кириш);
- чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизмат ўташ;
- резервдаги хизмат;
- муқобил хизмат;
- ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этиш;

- фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш тадбир-чораларини қамраб олади.

Конуннинг 4-моддасига қўра ҳарбий хизматнинг қўйидаги турлари жорий этилади:

- муддатли ҳарбий хизмат;
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;
- Қуролли кучлар сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати.

Ўзбекистонда ҳарбий хизматда бўлиш ёшининг чегараси контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскарлар (матрослар), сержантлар (старшиналар) ва кичик офицерлар учун 45 ёш; катта офицерлар учун 50 ёш, полковниклар (I ранг капитанлари) учун 55 ёш; генерал-майор, генерал-лейтенант ва генерал-полковник ҳарбий унвонидаги офицерлар учун 60 ёш этиб белгиланади.

Умумий ҳарбий мажбурият Ўзбекистон Республикаси худудида доимий ёки вақтинча яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилмайди. Шуни эътиборга олиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига чет давлатларнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шу каби бошқа органларига хизматга кириш тақиқланади.

Мамлакат мудофаасининг ҳуқукий базасини ташкил этишда 1995 йил 6 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида мамлакат Ҳарбий Доктринаси лойиҳасининг биринчи ўқишида маъқулланиши ва мазкур ҳужжатни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиниши ҳамда шу йил 30 августа куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VIII сессиясида қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Мазкур ҳужжат муҳокамасида кенг ҳалқ оммасининг иштирок этиши мамлакат мудофаа тизимини яратиш ва мудофаани ташкил этиш умумхалқ иши эканлигини яна бир бор кўрсатди.

Мамлакатда мудофаа соҳасида амалга оширилган туб ўзгаришлар, Марказий Осиё минтақасидаги ҳарбий сиёсий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ти (янги таҳрири, 2001 йил 11 май) на “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ти (2002 йил 12 декабрь) қонунлари қайта ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинди.

Қуролли Кучларнинг ташкилий даврида Қуролли Кучлар ташкилий штат тузилиши такомиллаштирилди ва унга мувофиқ ҳарбий қисмлар, муассасалар ва ҳарбий ўқув юртлари ислоҳ қилинди; ҳарбий билим юртлари тармоқларини кенгайтириш ва Қуролли Кучлар академиясини барпо этиш ҳисобига миллий кадрлар тайёрлашнинг мукаммал тизими яратилди; Қуролли Кучлар вазифаларига биноан, ҳарбий хизматчилар барча тоифасининг таълим жараёни яхшиланди; минтақадаги геостратегик вазият ва ҳарбий-сиёсий ҳолат ҳисобга

олиниб, қўшинларни жойлаштириш тизими такомиллаштирилди. Бу давлат чегараларини ҳамда ҳалқимиз манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш имконини яратди; замон талабига жавоб бера оладиган қўшинларни барқарор бошқариш тизими барпо этилди; ҳарбий хизматни ташкил этишнинг инфратузилмаси яратилди.

Сўнгги йилларда мудофаа соҳасини ислоҳ қилиш, Қуролли кучларни замон рухига мослаш, давлатнинг ҳарбий қудратини кучайтириш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Энг аввало, республиканинг Мудофаа доктринаси янгидан қабул қилинганини айтиш мумкин. Мазкур доктрина олдингиларидан ўзининг очиқлик хусусияти билан ажралиб туради. Яъни биринчи марта Мудофаа доктринасининг моҳияти кенг жамоатчиликка очиб берилди. Мудофаа доктринаси ҳарбий соҳада Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни белгилайди. Доктринада давлат мудофаа сиёсатини ўзаро наф кўриш, тенг хуқуқлилик ҳамда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, барча низоли масалаларни тинч воситалар ва музокаралар йўли билан ҳал қилиш, давлатлараро шаклланган чегараларнинг бузилмаслиги ва ўзгармаслигини тан олиш принциплари асосида қуради. Ҳарбий соҳада миллий хавфсизликка бўлган асосий таҳдидлар сифатида қўйидагилар қўрсатилди:

- ҳарбий ҳаракатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кўчиши хавфи бўлган ҳарбий можаролар;
- давлат чегараси яқинида намойишкорона кўпайтириш;
- Ўзбекистон суверенитетига ва ҳудудий яхлитлигига тажовуз қилиш;
- бевосита республика ҳудудига ёхуд қўшни давлатларнинг чегараолди туманларига ташлаш учун ноқонуний қуролли тузилмаларни ташкил этиш, ўқитиш ва қуроллантириш;
- наркотрафик, қурол-яроғ, ўқ-дори, заҳарли ва портловчи моддалар, қўпорувчилик-террорчилик кабилар билан боғлиқ трансчегаравий ва ҳалқаро уюшган жиноий фаолият;
- ахборот-коммуникация маконидаги мафкуравий ва психологик ҳаракатлар.

Шунингдек, Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитасининг ташкил қилиниши миллий мудофаа-саноат комплексини шакллантириш йўлида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қуролли кучларнинг қурол-яроғ, ҳарбий ва маҳсус техниканинг модернизация қилинган намуналарига, шунингдек, бошқа ҳарбий-техникавий мол-мулкка бўлган талаб-эҳтиёжларини қаноатлантириш учун мўлжалланган мудофаа саноати комплексини босқичма-босқич ривожлантириб бориш мамлакат мудофаасининг иқтисодий, технологик ва ҳарбий-техникавий базасининг асосини ташкил этиши белгиланди. Радиоалоқа ускуналарини ишлаб чиқаришни йўлга қўйилиши мудофаа саноатида қилинган ислоҳотларнинг илк натижаларидан бири бўлди.

Ўз навбатида, худудларда мудофаа соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, армия ва халқнинг яқдиллигини таъминлаш мақсадида ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди. Мамлакатда узлуксиз ҳарбий таълимни йўлга қўйиш мақсадида эса янги Қуролли кучлар академияси шакллантирилди, ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар фаолияти такомиллаштирилди. Бунда «Темурбеклар мактаби» ҳарбий ақадемик лицейларини таъкидлаш мумкин.

## ХУЛОСА

Мустақилликдан кейинги ўтган йиллар давомида давлатнинг мудофаа салоҳияти доимий равишда юксалтириб борилди. Буни рақамлардан ҳам кўриш мумкин. Хусусан АҚШдаги «Global Firepower» ташкилоти дунёнинг энг кучли армиялари рейтингида Ўзбекистон 139 та давлат орасидан 51-ўринни эгаллади. Унда Ўзбекистон армиясининг 420 танки, 1215 та зирҳли транспорт воситаси, ҳаво ҳужумидан мудофаа тизимида жами 194 та парвоз техникаси (уларнинг 66 таси ҳужумчи), 18 таси транспорт, 7 та машғулот самолёти, 89 та вертолёти (33 таси ҳужумкор) борлиги кўрсатилган. Рейтингда Ўзбекистоннинг йиллик мудофаа бюджети 15 миллиард долларга тенглиги ва бу кўрсаткич бўйича 139 давлат орасида 18-ўринда экани қайд этилган.

Кучли армия давлат суверенитети, чегаралари дахлсизлиги, тинчлик-осойишталигини таъминлашда бирламчи ролни ўйнайди. Шуни хисобга олиб, давлатнинг мудофаага доир ислоҳотлари устуворлигини асло йўқотмаслиги мамлакат раҳбари томонидан алоҳида таъкидлаб келинмоқда.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. "Ватанпарвар" газетаси, 1995 йил 30 август.
2. Долимов Ш.З. "Ҳарбий атамаларнинг қисқача изоҳли лугати" Тошкент., 2007 йил. Б.43.
3. Иноятов И.Ю. Ватан химояси муқаддас бурч. Т.: Ўзбекистон, 2001. Б. 17.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида, 4-ж.- Т.: Ўзбекистон, 1996. - Б. 20-21.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonсида. - Тошкент: Ўзбекистон, 2012. Б. 406.
6. Тошкент Ахборот технологиилари университетининг махсус факультети. 1993-2003. Қисқача маълумотлар. Т.: 2003. - Б.3.
7. Тошкент хақиқати// 14 январь. 1994 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси 1992. 9-ком (1197), 67-бет
9. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси № 644-XII. № 11. (1199) 3 – 6-бетлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони № 232. Ахборотнома ЎР Президенти Фармони № 8. (1184) ж.№17.1007. 1991й.10 сентябрь. Б. 7.
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. № 243. 6.09.1991й. Ведомости Верх.Совета. РУз. №11. (1187) стр.61.
12. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2012. 33 – 34-бетлар.
13. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий Доктринаси асослари. //Ватанпарвар// 1995. 8 июнь. № 68 маҳсус сони. – Б.1-2.
14. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий Доктринаси асослари. "Ватанпарвар" газетаси, 1995 йил 8 июнь.
15. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Ахборотномаси № 10. (1198) Б.34-54.
16. ЎзМА. М-37-фонд 1-рўйхат.4-йиғмажилд. 213-варак.
17. ЎзМА.М-37-фонд.1- Рўйхат. 9-иғмажилд. 22-варак.
18. ЎзМА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 7934- иғмажилд, 247-250-вараклар.
19. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/11/01/military-forces/>